

4-sho‘ba. PEDAGOGIK ERIDITSIYA YUQORI MALAKALI KADRLAR TAYYORLASHNING OMILI SIFATIDA.

BO‘LAJAK O‘QITUVCHILARDA PEDAGOGIK MAS‘ULIYATNI SHAKLLANTIRISHNING ZARUR SHARTLAR.

Qori Niyoziy nomidagi Tarbiya pedagogikasi milliy instituti akademik, p.f.d., X.I. Ibraimov

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19455737>

Аннотация. Ушбу мақолада педагогик масъулият касбий муҳим хусусиятлардан бири сифатида таълим жараёнидаги ўрни ва уни бўлажак ўқитувчи фаолиятидаги асосий жиҳатлари мазмуни ёритиб берилган. Шунингдек, олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчини касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик масъулиятни шакллантириш ҳамда ривожлантириш усуллари ва улардан дидактик жараёнда фойдаланиш юзасидан таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Калит со‘злар: pedagogik mas’uliyat, kasbiy mas’uliyat, kasbiy bilim, jamiyat me’yorlari, pedagogik jarayon, innovation texnologiyalar, kasbiy faoliyat, rivojlanish sub'ekti.

Аннотация. В данной статье раскрывается содержание педагогической ответственности как одного из важнейших профессиональных качеств, а также её роль в образовательном процессе и основные аспекты в деятельности будущего учителя. Кроме того, предложены методы формирования и развития педагогической ответственности при подготовке будущих педагогов в высших учебных заведениях, а также представлены рекомендации по их использованию в дидактическом процессе.

Ключевые слова: педагогическая ответственность, профессиональная ответственность, профессиональные знания, социальные нормы, педагогический процесс, инновационные технологии, профессиональная деятельность, субъект развития.

Abstract. This article explores the essence of pedagogical responsibility as one of the key professional qualities, as well as its role in the educational process and its main aspects in the professional activity of future teachers. In addition, the article proposes methods for the formation and development of pedagogical responsibility in the training of future teachers in higher education institutions, along with recommendations for their application in the didactic process.

Keywords: pedagogical responsibility, professional responsibility, professional knowledge, social norms, pedagogical process, innovative technologies, professional activity, development subject

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳатларни фаол тарзда педагогик жараёнга тадбиқ этиш ва унинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқишда маҳорат билан касбий билим ва тажрибаларни сафарбар қилиш давр талабига айланмоқда. Бугунги талабни яхши англаган ҳолда ўз олдида турган вазифаларни бажаришга масъулият билан киришмоғи зарур.

Талабаларни ўзлари танлаган ўқитувчилик касби амалиётига йўналтиришда турли омиллар билан бир қаторда ташкил қилинган таълимий муҳит, педагогик шарт-шароитлар

зарур. Келажак ўқитувчисининг жамият меъёрлари, қоидалари, талаблари доирасида фаолият юритиши унинг учун муҳим саналади.

Бугунги кунда жамиятнинг ўқитувчилар олдига қўяётган талаблари мазмуни, шакл-шамойиллари тубдан ўзгаргани боис шу даврга хос бўлган кўникма ва малакалар мавжуд. Улар касбга тайёрлаш жараёнида эгаллаб борилиши таъминланади.

Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёни қачонки, психологик ёндашувлар билан уйғунлашиб, инновацион технологиялар билан бойитилсагина, уларнинг ҳар томонлама ривожланиш имкони юқори бўлади.

Талабаларда касбий масъулият ҳиссини ошириш, бошқариш, фаолиятини таҳлил қилиш, педагогик жараёнини жамият талаблари асосида мақсадли ва тизимли олиб бориш масалалари олий педагогик таълим муассасалари зиммасига юклатилган.

Олий педагогик таълим муассасаси талабалари ўқув-тарбия жараёнида педагогик масъулиятни шакллантиришнинг самарали кечиши қуйдаги зарур шартларга боғлиқ.

1. Талабанинг фаолият ва ривожланиш субъекти сифатида намаён бўладиган коммуникатив фаолиятга асосланган ёндашув орқали масъулият ва жавобгарликни шакллантириш.

2. Ўзаро мулоқатни масъулиятни шакллантиришнинг асосий технологияси сифатида қўллаш.

3. Талабаларни фаол фаолиятга жалб қилиш, педагогика университетининг ички ҳаётини ташкил этишга ва талабалар жамоасини шакллантириш орқали масъулият майдонини яратиш.

Талабалар ўқув фаолиятини шакллантиришнинг ахлоқий, ижтимоий, психологик, когнитив, эмоционал, мотивацион, рефлексив баҳолаш, регуляторлик компонентларини таҳлил қилиш ёрдамида масъулиятни баҳолаш имкониятига эга бўлинади. Хулқ-атвор компонентига масъулиятнинг қуйдаги ўлчовлари киради; шахснинг мустақиллиги, топшириқни бажариши, ўзини-ўзи бошқариши, бошлаган ишини охирига етказиш, топшириқларни сифатли бажариш, ташкилотчилик, мустахкам интизом, қийинчиликларни енгиши.

Талабаларда педагогик масъулиятни шакллантириш, уларнинг касбий фаолиятга самарали тайёр бўлиш мезонларидан бири эканлигини ҳисобга олиб, педагогларнинг бу йўналишдаги касбий компетенцияларини аниқлашга йўналтирилган савол ва топшириқлардан фойдаланилади.

Мажбурият ҳиссини ошириш борасидаги топшириқ яъни модул доирасида савол тузиш талаб этилади талабалар томонидан тайёрланган саволларнинг, мантиқийлиги, тўғрилиги, модул мазмунига мослиги, аниқлиги каби жиҳатларни акс этишига қараб баҳоланадилар.

Белгиланган муддатда модулга оид топшириқлар тузиш жараёнида талабаларнинг вақтга риоя этиши, топшириқларнинг тўғрилиги, мантиқийлиги, мавзуга оидлиги, бир-бирини тўлдириши, мавзу моҳиятини тўлиқ очиб беришга йўналтирилганлигига эътибор қаратилади.

Педагогик фаолият – бу ёшларни инсоният эришган илмий, маданий, маънавий-маърифий, диний ва бошқа кадриятлар асосида ҳаётга тайёрлашдир. Шундай қилиб, масъулият педагогик фаолиятнинг муҳим сифатларидан бири. Ахлоқий атама сифатида масъулият қарор қабул қилиш ва мустақил ҳаракатларни амалга оширишни белгилловчи муҳим омил сифатида шахснинг ўз вазифаларига муносабатини ифодалайди.

Замонавий шароитда ёшларни камол топтиришда ўқитувчининг ўрни ва педагогик масъулияти юқори бўлиши таълим-тарбия жараёнининг муваффақиятини таъминловчи муҳим сифатлардан бири саналади. Бўлажак ўқитувчилар меҳнат бозори учун зарур касбий

кўникмаларга эга бўлиши масъулият ҳиссини тизимли, мақсадли ривожлантиришга эришиш, уларнинг педагогик фаолиятини янада такомиллаштиришни таъминлайди. Шу боис талабаларда касбий муҳим фазилатлардан бири бўлган педагогик масъулиятни шакллантириш узлуксиз таълим самарадорлигини оширишда ўзига хос аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, талабаларда масъулият ҳиссини шакллантиришга интегратив ёндашган ҳолда уларни бошқариш, фаолият натижаларини таҳлил қилиш, тарбия жараёнини жамият талаблари асосида мунтазам ва тизимли олиб бориш масалаларини амалга оширадиган муҳим маскан олий таълим муассасалари ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Турғунов С.Т., Мақсудова Л.А. Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш. – Т.: Фан, 2009. – 168 б.

2. Узаков И.А. Масъулият тушунчасининг моҳияти ва ижтимоий талқини // Молодой ученый. – 2020. – № 10. – С.251-254.

3. Холиқов А. Педагогик маҳорат. – Тошкент, 2010.